

«Беш ташаббус олимпиадаси» доирасида «Миллий ва замонавий чолғу ижрочилиги» танловининг туман босқичи ўтказилди



Мазкур танловда 10-15; 16-22; 22-30 ёш тоифаси оралиғидаги ёшлар иштирок этишди. Танлов давомида дутор, рубоб, гитара, доира, барабан ва фортепиано мусиқа чолғу асбобларида ёшлар ўз қобилиятларини намойиш этишди.

Ғолибликни қўлга киритган жамоалар Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими ҳамда туман Мактабгача ва мактаб таълими бўлимининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди.